



«\_\_\_» 2021 й

:

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун  
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Навоий -2021 й**

# **Танлов хужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Танлов предмети: "Микрокредитбанк" АТБ Навоий миңтақавий филиали Зарафшон БХМ га кучма 2 дона банкомат жойлашадиган 24/7 шоҳобчалари куриш
  - 1.2. Танлов охирги қиймати – 45 000 000 сум . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
  - 1.3. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.
- Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**
- 1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун
  - 1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

- 2.1. "Микрокредитбанк" АТБ Навоий филиоят филиали (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.  
“Буюртмачи” манзили:, Навоий шахри Навоий кучаси 29 уй  
Эл.адрес:
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов "Микрокредитбанк" АТБ Навоий вилояти филиали “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:  
тандов предмети қийматининг камида 15 фоизи миқдоридаги айланма маблагларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;  
шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;  
тандов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;  
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;  
тандов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);  
Низом маблағи миқдори.

- 3.3. Агар тандов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, тандовда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:  
қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида  
турганлар; мол-мулки мусодара қилингандар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок,  
холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий  
қарамлиги мавжудлар.

#### **.4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига  
электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар  
“Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

• Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган  
иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

• Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни  
бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар  
кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган,  
ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини муҳраб  
тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

• Техник тақлиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳранланган ҳолда;  
• Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар  
рўйхати илова қилинади);

• Нархлар тақлифи ва нархлар бўйича жадвалтулдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

-факат битта тақлиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига  
тўлиқ жавобгар бўлади;

- тақлифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз тақлифларини қайтариб олиш ёки  
ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда  
белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб  
иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига  
жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда  
давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида  
танловда иштирок этиш учун тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун  
олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (иши, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.  
Бунда ушбу танловда тақлифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар  
киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар  
эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга  
ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзgartирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.